
Тумандаги Ўзбек маҳалла фуқаролар йиғинлари бинолари янгитдан қурилмоқда

Маҳаллалар жамиятда тинчлик-тотувлик, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш, миллий урф-одат ва қадриятларни асраб-авайлаш, оилалар жипслигини таъминлаш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, аҳолининг кундалик муаммоларини ҳал этишда халқимизга энг яқин ижтимоий тузилма ҳисобланади.

Аммо аҳолига энг яқин, халқчил тузилма бўлган маҳаллаларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун уларга етарли шароитлар яратилиши зарур. Жумладан тумандаги Ўзбек маҳалласининг маъмурий биноси бугунги кунда яроқсиз ҳолга келиб қолганлиги сабабли тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 25-октябрдаги “2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-408-сон Қарори ижросини таъминлаш мақсадида мазкур маҳалла биноси ўрнида янги замонавий маҳалла марказларини ташкил этиш юзасидан ишлар бошлаб юборилди. Бугунги кунда ушбу бинода қурилиш ишлари жадал давом эттирилиб, ёши териш ишлари якунига етказилмоқда.

2023-02-03 08:54:20